

тушги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 06<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камловчи коэффициентни қўлдан орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақаланштирилган тариф қўлланилмайдиغان Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришининг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган ҳолда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-моддасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот гузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфлангани тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан ёки факсимил, электрон, почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “30” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақаланштирилган тарифда амалга оширилган Истеъмолчилар энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан танқари тигиз, ярим тигиз ва тушги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажми алоҳида ҳам кўрсатилади шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган ҳолда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камийда 15 кун олдидан қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катти назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурланади.

Тариф ўзгарган ҳолда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан оқиб қилинади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегинчи тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланганидан олдидан энергиянинг шартномавий миқдори қийمатини учун олдидан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдидан ҳақ тўламаган истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узингача бўлган қоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботни асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини электрон тартибда тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегинчи бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.